Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 120 (20. 687) • 1990 йил 27 май, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

НОМЕРГА ХАБАР

ЗАФАР ҚУЧИШДИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Шўрчи райони пиллакорлари ҳам дастлабки маррани эгаллашди. Район бош пиллахонасига пландаги 121 тонна ўрнига 130 тонна сифатли «кумуш тола» етказиб берилди. Белгиланган топшириқ 107 фоиз уддаланди. Мавжуд 2750 қути ипак қуртининг ҳар биридан ўртача 47,5 килограммдан хом ашё олинди. Бу ютуққа Қирмиз Омонтурдиева, Менгсоат Ҳамзаева, Шодмон Эшмуродова, Ойбаланд Бердиева сингари моҳир пиллакорлар катта ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бири 110—120 килограммдан пилла тайёрлаб, кўпчиликка ибрат бўлишди.

Пилла тайёрлаш планини ортиғи билан адо этган «Партия XXII съезди», «Сурхон», Охунбобоев номли, Киров номли, Энгельс номли колхозлар ва Мичурин номли, «Полвонтош» совхозларининг «кумуш тола» ижодкорлари район хирмонига барака киритишди.

Район пиллакорлари эришилган натижа билан кифояланиб қолишмади. Улар планга қўшимча яна 20 тонна хом ашё топшириб, ялпи хирмонни 150 тоннага етказишни мўлжалламоқдалар.

СССР ва Франция Президентлари учрашуви

25 май куни Москвада СССР Президенти М. С. Горбачев билан Франция Республикасининг Президенти Ф. Миттераннинг навбатдаги учрашуви бўлди. Учрашув иккала мамлакат ва уларнинг президентлари муносабатларига хос самимийлик ва ҳайриҳоҳлик вазиятида ўтди. Жаҳондаги вазият ривожланаётганлиги тўғрисида кенг кўламда батафсил фикрлашув бўлиб ўтди. Халқаро ва Европа тараққиёти мавзуидаги фикрлашувлар олий даражадаги Совет—Франция жадал мулоқотининг ҳаётийлиги ва самаралилигининг янги далили бўлди.

Совет Иттифоқи ва Франция президентлари бу йил ўтказиладиган олий даражадаги Умумевропа кенгаши Европа тарихининг янги босқичи тўғрисидаги фикрларни умумлаштиришга, мавжуд муаммоларнинг барча учун мақбул ечимини топишга кўмаклаша олади, деб умид билдирдилар.

Суҳбатдошлар Марказий Европадаги аҳвол ҳақида, Германияни бирлаштириш жараёни тўғрисида гапириб, бўлажак герман давлатининг мавжуд ҳарбий-сиёсий иттифоқларга мансублиги тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор бердилар. Ягона Германияни «совуқ уруш» йилларида ишлаб чиқилган ўз стратегиясини амалда сақлаб қолаётган НАТОга киритишга СССРнинг салбий муносабати тасдиқланди. Бундай қарор, деб таъкидлади М. С. Горбачев, биз учун мақбул бўлмаган ҳарбий-стратегик вазиятни вужудга келтириб, шунга яраша ўз хавфсизлигимизни таъминлаш муаммоларини қайта идрок этишга мажбур қилган бўлур эди.

Германия муаммосини бартараф этишнинг Европада урушдан кейинги чегаралар бузилмаслигини таъминлаш, немислар бирлигини Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш жараёни билан уйғунлаштириш сингари жиҳатлари хусусида ҳар иккала томон қарашларининг бир-бирига мослигини таъкидлади.

М. С. Горбачев СССРда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар қандай бораётганлиги Ф. Миттеранни қизиқтираётганлиги сабабли унга ана шу жараён тўғрисида гапириб берди.

Президентлар Европа ва жаҳон тараққиётининг энг муҳим муаммолари юзасидан ҳам, шунингдек амалий ҳаракатларга ёндашувларда ҳам янада чуқур ҳамжиҳатлик сари муҳим силжиш бўлаётганлигини таъкидлаб, суҳбатга якун ясадилар.

Ҳозирги вазиятда СССР билан Франция ўртасида яхши муносабатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, улар ўртасида мустаҳкам алоқа ва доимий мулоқотни таъминлаш айниқса қимматлидир.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан

«Қирмизи дон» муаммолари

Сув сероб бўлса...

Қайта қуриш туфайли юзага келган янгича ишлаш шакллари — оила пудрати, ижара усулида меҳнат қилиш шоличилик хўжаликларида ҳам ижобий самара бермоқда. Шу усулда деҳқончилик қилган шоликорларнинг иш ҳақлари аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди.

Совхозимиз шоликорлари ўтган қишлоқ хўжалиги йилида салкам 17 минг тонна шоли етиштирдилар. 5300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштирилди. Аммо план бажарилмади. Айни экин суғориладиган пайтда май ойининг сўнгги кунлари, июнь ойининг бошларида сув танқис бўлди. Натижада 1450 гектар майдондаги шоли қуриб қолди. Хўжалик шунинг ҳисобидан 1 миллион 793 минг сўмлик шолини йўқотди. Сув танқислигига қарамай қатор ижарачилар мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ж. Рауажев, Т. Сапаров, Д. Елемисов, Ж. Утепбергенов етакчи бўлган звеноларда 41,5—43,5 центнердан шоли ҳосили олинди. Улар бу йил гектаридан 43—45 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаб меҳнат қилаётирлар.

Совхозимизда қатор йиллардан бери ижара пудрати асосида ишлаётган коллективлар кўп. Уларнинг кам маблағ сарфлаб мўл ҳосил етиштириш ҳисобидан даромадлари ҳам ортмоқда. Мен 1985 йилдан ижара усулида ишлаяпман. Коллективда оиламизнинг беш аъзоси меҳнат қилади. Ўтган йили 77 гектар майдонга шоли экиб, ҳар гектаридан 42,1 центнердан ҳосил кўтардик.

Бу йилги маррамиз яна ҳам катта. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил етиштириб, ялпи ҳосилни 350 тоннага етказмоқчимиз.

Ҳозирги даврда хўжалик юритишда ечимини кутаётган анчагина муаммолар бор. Уларни ижобий ҳал қилишда республика раҳбарларининг амалий ёрдами керак. Масалан, совхоз бевосита ижарачилар билан, ижарачилар эса совхоз билан шартнома тузишади. Хўш, совхоз билан ким шартнома тузади? Ана шу масала тезроқ ечилиши керак. Негаки совхозга механизмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган бошқа нарсаларни етказиб берадиган ва сув таъминотини яхшилашда кўмаклашадиган ташкилотлар аниқ кўрсатилиб, шартномалар тузилгандагина ижарачилар қийналиб қолмасди. Чунки ижарачилар ҳамма нарсани совхоздан талаб қилишади. Хўжалик эса кимдан талаб қилади? Шунинг учун ҳукуматимиз бу масалани атрофлича ўрганиб чиқиши керак, деб ўйлайман.

Кейинги йилларда биз ижарачиларни сув танқислиги қийнаяпти. Шоли суғориладиган пайтда каналларда, ариқларда ҳатто Амударёда сув бўлмасдан қолади. Шунинг учун бизнинг таклифимиз шуки, шоли етиштириш ва шоли тайёрлашда давлат буюртмасини сувга қараб планлаштириш керак. Агар сувнинг кўп ёки камлигига қараб давлат буюртмаси белгиланганида эди шоликорлар ҳам, шоличиликка алоқадор ташкилотлар ҳам бу муаммода қийналиб қолмаган бўлар эди.

Шунга қарамасдан совхозимиз шоликорлари, механизаторлари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 5300 гектар майдонга шоли экиб, унинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олиш учун айни дамларда қизғин меҳнат қилишмоқда.

З. ПИРНАЗАРОВ,
Қораўзак районидаги «Маданият» совхози ижара звеноси бошлиғи, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган механизатор.

Танишинг: Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати

● Бағдод районидаги 2-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг котибаси Фотимахон Муродова Фарғона область коммунистлари анжуманида Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегат қилиб сайланди.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

26 май куни Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоят партия конференциялари ўз ишини ниҳоясига етказди.

Андижонда ташкилий пленумда Қ. Ҳ. Холмирзаев Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. И. А. Кочмарик вилоят комитетининг иккинчи котиби — ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири этиб сайланди. М. Ю. Юсупов вилоят комитетининг котиби — мафкура бўлимининг мудири, А. С. Солижонов вилоят комитетининг котиби — ижтимоий-иқтисодий бўлим мудири, Б. М. Олимжонов вилоят комитетининг котиби — деҳқончилик бўлимининг мудири этиб сайландилар.

Вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб М. М. Маматазизов сайланди.

* * *

Жиззахда Э. Т. Турсунов вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Ю. К. Птичкин иккинчи котиби, М. Х. Умаров, Х. А. Аширқулов, Т. Б. Умурзоқовлар вилоят комитети котиблари этиб сайландилар.

Назорат-тафтиш комиссиясининг мажлисида А. М. Азимов комиссия раиси қилиб сайланди.

* * *

А. А. Айдарқулов Сирдарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. С. У. Усмонов иккинчи котиб — ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири этиб сайланди. С. Д. Давлатова котиб — мафкура бўлимининг мудири, М. П. Нарзиқулов котиб — ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлимининг мудири, Ю. Йўлдошев котиб — аграр сиёсат масалалари бўлимининг мудири этиб сайландилар.

Г. П. Честних назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

* * *

С. Мамарасулов Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. В. Г. Гришчук иккинчи котиб — ташкилий-партиявий ишлар ва ҳуқуқ ишлари бўлимининг мудири этиб сайланди. В. Г. Гордиенко котиб — ижтимоий-иқтисодий бўлим мудири этиб, Ш. О. Дадабоев котиб — деҳқончилик бўлимининг мудири, Ш. Н. Маҳмудова котиб — мафкуравий бўлим мудири этиб сайландилар.

И. И. Федоринов назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

* * *

Тошкент вилоят партия конференцияси ишида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов, СССР молия министри В. С. Павлов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари Р. А. Попов, Ж. Х. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. Т. Сташкевич иштирок этдилар; Андижон вилоят партия конференцияси ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов; Сирдарё вилоят партия конференцияси ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Б. М. Истомин; Жиззах вилоят партия комитетининг конференцияси ишида Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими К. П. Дударев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШ КЕРАК

⊙ Қайта қуриш ва янгиланиш талаблари асосида ҳар бир коммунист ва партия ташкилотининг имкониятларини чамалаб кўриш, ўтган бир ярим йиллик даврга якун ясаш, келажак вазифаларини белгилаб олиш... Ўз сафига 180 мингга яқин коммунистни бирлаштирган Тошкент область партия ташкилотларининг энг муносиб вакиллари партия конференциясига ана шундай режалар билан тўпландилар.

Конференция бошидан охиригача принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, ўзаро талабчанлик руҳида ўтди. Зеро, шундай бўлиши ҳам табиий эди. Чунки ҳисобот даврида партия ишини қайта қуриш ва янгилаш соҳасида ижобий ютуқларга эришиш билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ечилмаган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тўпланиб қолди.

Вилоят партия комитетининг ҳисобот докладини қилган обкомнинг биринчи котиби С. Мамарасулов ҳам, музокарада қатнашган делегатлар ҳам асосий эътиборни ана шу масалаларга қаратдилар. Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ ишдаги нуқсонларни тугатиш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўзи ва партия коллективининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини конференция қатнашчилари билан ўртоқлашдилар.

Тошкент вилояти партия конференциясидан

Обкомнинг ҳисобот докладида вилоят партия ташкилоти ҳаёти ва хўжаликка раҳбарликнинг энг муҳим қирралари қамраб олинди. Маърузачи вилоятдаги аҳволга реал баҳо берар экан, эришилган ютуқлар, тўпланган тажрибаларни чуқур таҳлил этди, йўл қўйилган хато ва камчиликларга кўпроқ тўхталди. Бундай камчиликлар эса анчагинадир. Нуқсонларни келтириб чиқаришда энг аввало обком, шаҳар ва район партия комитетлари котибларида топширилган иш учун масъулият ҳисси пасайганлиги асосий сабаб бўлди, — деди докладчи. — Ачинарлиси шундаки, бошқалар бундан намуна олишмоқда. Вилоятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилинган эди. Бироқ ана шу қарорларнинг аксарият қисми ижро этилмай қолди. Бу эса ўз навбатида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда, уй-жой қурилиши, ичкиликбозлик ва чайқовчиликка қарши курашда жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Ҳа, докладчи ва музокарада қатнашган нотиқлар тўғри айтишди. Вилоятдаги бир қатор партия комитетлари жойларда коммунистларни қарорларни бажаришга уюштира олмадилар. Ижрони назорат қилиш ўрнига мажлисбозлик авжига чиқди. Бундай аҳвол эса ишнинг оқсаб қолишига олиб келди. Корхона, қурилиш ва жамоа хўжаликларида меҳнат унумдорлигининг пастлиги, иш вақти кўплаб йўқотилаётгани, хом ашё ва материаллар иқтисод қилинмаётгани, маҳсулот етказиб бериш барбод бўлаётгани шундан далолат беради. Ишлаб чиқаришни янги технология билан қуроллантириш орқали маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хўжалик ҳисобига, айниқса иккинчи моделга тезроқ ўтиш тўғрисида конференциядан конференциягача гап

(Давоми иккинчи бетда).

ГАЗЕТАМИЗДА:

(1- ва 2-бетлар).

● Вилоят партия конференцияларида КПССдаги ҳозирги вазият тўғрисидаги фикрлар аниқлаб олинди, қайта қуриш ўртага қўйган мақсадга эришиш йўллари ва воситалари кўплашиб изланди. Вилоят партия ташкилотларининг, унинг сайлаб қўйиладиган органларининг вилоятлар ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий турмушидаги аҳамияти ва ўрнига баҳо берилди.

● Бозор иқтисодиётига ўтиш ва шу билан боғлиқ қийинчиликлар самарали ва оператив ҳимоя чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда шу ҳақда гап борди.

(3-бет)

● Жумҳуриятимиз ҳукумати қарорини амалга оширишдек муҳим ишда ҳаммамиз жонбозлик кўрсатайлик.

● Тадқиқотчиларнинг илмий бисоти.

(4-бет)

● Қаҳрамонлик ёш офицерлар авлодини тарбиялаш ишига хизмат қилади.

● Совет ва япон жамоатчилиги вакилларининг Ўзбекистондаги учрашувлари

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

Илгари хабар берилганидек, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков СССР Олий Советининг сессиясида «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва шу билан боғлиқ қийинчиликлар самарали ва оператив ҳимоя чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда шу ҳақда гап борди. Унда СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи доимий комиссияларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгашда нутқ сўзлади.

Ушбу кенгаш материалларини эълон қилиш чоғида муаммоларнинг ҳар бир регион, жумҳурият учун, ҳар бир шаҳар ва район учун мураккаблигига ва ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз. Ҳозирги вақтда энг асосий масала шундан иборатки, бозор иқтисодиётига ўтиш ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бозорга, аҳолининг турмуш шароитига, унинг фаровонлигига таъсири ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи органларнинг диққат марказида бўлиши керак. Шу сабабли ҳозирги вақтда Марказий Комитет раҳбарияти ва ҳукумат, Олий Советнинг доимий комиссиялари жумҳуриятдаги аҳолининг барча тоифалари манфаатларини ва аввало, аҳолининг қийин шароитда яшаётган қисми (камбағаллар, кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерлар, студентлар ва катталарнинг қарамоғидагилар)нинг манфаатларини ҳисобга олишни таъминлайдиган, зарарни қоплайдиган ва имтиёз берадиган тадбирларнинг мажмуасини кўзда тутувчи ҳимоя чораларини ишлаб чиқмоқдалар.

Кенгашда ана шундай чора-тадбирларни ишлаб чиқмай туриб ва уларни халқ билан, жумҳурият, вилоятлар, шаҳарлар, районлар фаоллари билан муҳокама қилмай туриб, тушаётган таклифларни ҳисобга олмай туриб, Ўзбекистон шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни ҳал қилиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Ҳозирги вақтда энг муҳими—ваҳимага йўл қўймаслик, бу масалани жиддий ва чуқур ўрганишдан, уни муҳокама қилишда одамлар қаерда ишлашлари ва касбларига қарамай, мумкин қадар кўпроқ иштирок этдиган қилишдан иборат. Бу вазифа сайлаб қўйиладиган барча идоралар ва ўзларига депутатлик мандатини ишониб топширган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган барча босқичдаги депутатларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Кенгашда бозор муносабатларига ўтиш жўн бўлмаслиги таъкидланди. Ҳар бир жумҳуриятда, вилоятда фақат ўзига хос бўлган муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам «ўртача» деб аталган кўрсаткичлар Ўзбекистон учун тўғри келмайди. Масалан, бир регионда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 70 килограмм бўлса, бошқасида — 30 килограмм. Аҳолини касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари билан таъминлашда ҳам аҳвол шундай. Ёки бўлмаса ишсизликни олиб кўрайлик: Фарғона водийсидаги кўрсаткич бошқа-ю, Қашқадарё областидаги кўрсаткич бутунлай бошқача. Ҳар бир рақам ортида аниқ одамлар туришини унутмаслик керак. Жумҳурият раҳбарияти ўтиш даври учун ишлаб чиқаётган ҳимоя чораларининг моҳияти ҳам худди шунда.

Илгари жумҳуриятимиз кўпинча турли тажрибаларнинг ўзига хос «гаровни» бўлиб қолганлиги айтиб ўтилди. Машъум «етиб оламиз ва ўзиб кетамиз» шиори дастлаб Ўзбекистонда қўллаб-қувватланди, иқтисодиётнинг қандайдир янги шаклига ўтишни ҳам жумҳуриятда сўзсиз маъқуллашаверди.

Ички ликбозликка қарши курашда ҳам биз биринчилар қаторида бордик. Яъни Иттифоқ кабинетларида қандайдир қарор қабул қилинса, Ўзбекистонда бунга эътироз билдиришмайди, у ердаги халқ итоаткор, дейишар эди. Тўғрироғи,

(Давоми иккинчи бетда).

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШ КЕРАК

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

кўпу, амалий иш эса оз бўлди. Масалан, Тошкент шаҳрида хўжалик юритишнинг иккинчи моделида ҳозир 177 саноат корхонасидан фақат 8 тасигина ишламоқда. Олмаликдаги яхна ичимликлар заводи иш тажрибаси изидан борувчилар бўлмади. «Средазэлектроаппарат», Чирчиқдаги «Электрохимпром», Оҳангарондаги «Сантехлит» ва бошқа бир қатор саноат корхоналари партия ташкилотлари ўтган XXIII вилоят партия конференцияси қарорларининг охиригача бажарилишини таъминлаганлари йўқ. Фан-техника тараққиётини меҳнат коллективлари ҳаёти билан боғлаш партия комитетларининг сиёсий вазифаси эканлиги унутиб қўйилди. Хўжаликларнинг ижара пудратига ўтишига маъмуриятчилик тўсиқлари ҳалақит берётир, ўзаро ҳисобкитоблар пайтида таъмагирлик каби иллатлар ҳали ҳам рўй бериб турибди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шу куннинг энг катта муаммоси кишиларни доимий иш билан таъминлашдан иборат эканлигини таъкидладилар. Ҳозир вилоятда 50 мингдан ортиқ киши бенш. Уларнинг кўпчилик қисми қишлоқ жойларидадир.

— Ерга хўжасизларча муносабатда бўлинаётгани ҳам ишсизлар сонини кўпайтирмоқда, — деди музокарада Калинин районидаги Свердлов номли совхоз бригада бошлиғи И. Жўраев. — Ўтган йилларда район ҳудудидан 2 минг гектарга яқин экин майдонлари шаҳар қурилиши учун олиб берилди. Жумладан бизнинг хўжалигимиздан 162 гектар ер кўкаламзорлаштириш идорасига ажратилди. Аммо ана шу ерда яшаётган ва ишлаётган совхоз ишчилари бу идорага ишга қабул қилинганлари йўқ. Улар ҳозир бенш юришибди.

Конференцияда вилоятдаги мавжуд экологик аҳволга, озиқ-овқат муаммосини изчил ҳал қилишда амалга оширилаётган ишларга батафсил тўхтаб ўтилди. Вилоятда пудрат, ижара ва ижара муносабатларининг турли хил шаклларини жорий қилиш юзасидан партия ташкилотлари муайян тажриба тўплаганлар. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир меҳнат коллективи хўжалик юритишнинг шаклларини ўзи танлаб олмоқда. Тошкент районидаги Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозларда онла пудрати ва ижарачилар кооперативлари маҳсулот етиштиришнинг асосий қисмини ўз зиммаларига олдилар. «Ғаллақудуқ» саноат комплекси директори Г. Гриценко хўжаликда тўпланган тажрибаларни ўртоқлашар экан, конференция қатнашчилари эътиборини қуйидаги ютуқларга қаратди: комплекс ҳозир йилига 13 минг тонна гўшт топшириляпти, рентабеллик икки баравар, даромад уч баравар кўпайиб, 7 миллион сўмга етди. Бу эса ишчиларнинг моддий турмуш шароитини тубдан яхшилаш имконини берди.

Афсуски, бундай ибратли тажрибалар, ютуқлар жуда ҳам оз. Айрим партия комитетларининг меҳнат коллективларини хўжаликни юритишнинг у ёки бу шаклларини ўйламай қўлланишга мажбур этаётгани салбий оқибатларга олиб келяпти. Конференцияда Оҳангарон райони раҳбарларининг ана шундай шошма-шошарлик билан иш юритгани ҳақида мисоллар келтирилди.

Нотиқлар шахсий секторни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар. Тўғри, кейинги ойларда вилоятда 86,2 минг оилага томорқани кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун 9,2 минг гектар ер ажратиб берилди. Бироқ шахсий ёрдамчи хўжаликнинг ҳозирги аҳволи ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Ҳар беш хонадондан бири умуман чорва моллари боқаётгани йўқ. Шахсий хўжаликлар ем-хашак етишмаётганлигидан қийналиб қолмоқдалар. Уларга бузоқ, қўзи ва паррандалар жуда кам сотилмоқда. Бу айниқса Бекобод, Оҳангарон, Пискент ва Бўка районларида кўпроқ рўй беряпти.

— Республика Президентининг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжаликлари чорваси ва паррандасини емхашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони бу соҳадаги ишимизни анча осонлаштиряпти, — деди Пискент район партия комитетининг биринчи котиби Т. Холбоев. — Масалан, Охунбобоев номли колхоз правлениеси 60 гектар майдондаги бедани шахсий хўжаликларга тарқатишга қарор қилди. Бу ернинг бедаси эса минг тоннани ташкил этади. Биз бундай ташаббусларни кенгайтириб борамиз.

Нотиқлар шунингдек, вилоят ижроия комитетининг савдо бошқармаси иш аҳволини яхшилаш, мева-сабзавотни савдога етказиб беришда узилишларга йўл қўймаслик, маҳсулотни хўжаликлардан ўз вақтида ташиб олинишини таъминлаш масалаларини ҳам ўртага қўйдилар. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташладилар. Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Р. Акбаров нутқи алоҳида эътибор билан тингланди. У агросаноат участкасини ривожлантириш ҳақидаги қарорлар ижроси таъминланмаётгани ҳақида тўхталар экан, шундай деди: — Ер — асосий бойлигимиз. Аммо турли хил қурилишлар учун ажратиб берилаётгани сабабли ана шу бойлигимиз кун сайин камайиб боряпти. Мен еримизни чегириб олган ташкилотлардан хўжалигимизда теплицалар қуриб беришни талаб қиламан. Техника, ёнилғи ва минерал ўғитлар нархи ошиб бораётган бир пайтда ҳар бир килограмм узум учун деҳқон давлатдан фақат 22 тийин, 1 килограмм помидор учун 9 тийин олмоқда. Иш шундай экан, деҳқоннинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Конференция қатнашчилари партия ташкилотларининг байналмилал тарбия соҳасидаги ишини тубдан яхшилаш, партиявий ўртоқлик, ҳар бир коммунистнинг тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш зарурлигига эътиборни қаратдилар. «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Мирмуҳсин, Ўзбекистон ССР халқ шоири А. Орипов, «Экономика и жизнь» журнали муҳаррири вазифасини бажарувчи И. Хушев ва бошқа нотиқларнинг сўзларида ана шу ғоя қизил ип бўлиб ўтди.

Докладчи Бўка ва Паркент районларида содир бўлган кўнгилсиз воқеалар ҳақида тўхталар экан, ана шу воқеаларни келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири аввало аҳоли турмуш даражасининг ниҳоятда пастлиги, ишсизликни, кишиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясизлигини рўй-рост айтмаслик оқибати эканлигини қайд қилди. Конференцияда ана шу воқеаларни баҳона қилиб партия, совет ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари обрўсига путур етказишга, ўртага ишончсизлик уруғини сепишга уринаётган шахсларга қарши аёвсиз курашиш зарурлиги қайд этилди.

Нотиқлар докладда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг айрим қирралари енгил-елпи таҳлил этилганлигини, шунингдек партия қуйи бўғинлари билан ишлашни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Партия комитетлари раҳбарларининг ишида рўй бераётган нуқсонларни, жумладан уларнинг оммадан ажралиб қолганлигини, жойларга чиқиб ишлаш ўрнига идорада ўтириб маъмурий-буйруқбозлик услубига зўр бераётганликларини танқид қилдилар. Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози бригада бошлиғи Қ. Жўраева, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз партия ташкилоти котиби Г. Цой партия комитетлари котибларидан коммунистлар билан мулоқотни кучайтиришни талаб қилдилар. Шунингдек делегатлар партия юқори органларидан адлия ишида содир бўлаётган бебошлик ва принципсизликка барҳам беришни қатъиятлик билан талаб қилдилар.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари муҳокама қилинди. Делегатлар ана шу ҳужжатлар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади. Конференция ишида Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Марказий Комитет Бюроси аъзолари Д. Д. Берков, А. С. Ефимов, Р. А. Попов, М. И. Иброҳимов, Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашдилар. Конференция ишида шунингдек КПСС Марказий Комитети Давлат—ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов, КПСС Марказий Комитети масъул ходими Г. Т. Сташкевич, СССР Молия министри В. С. Павлов иштирок этдилар. Ўзбекистон ССР Президенти, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, КПСС Марказий Комитети Давлат-ҳуқуқ бўлими мудири А. С. Павлов ва СССР молия министри В. С. Павлов конференцияда нутқ сўзлаб саволларга жавоб бердилар.

Делегатларнинг таклифи билан конференцияда тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан С. Мамарасулов вилоят партия комитетининг аъзоси, бюро аъзоси ва биринчи котиби, В. Г. Гришчук, обком аъзоси, бюро аъзоси ва иккинчи котиби, Ш. Н. Маҳмудова, В. Г. Гордиенко, Ш. О. Дадабоев обком аъзолари, бюро аъзолари ва котиблари этиб сайландилар. Конференция шунингдек яширин овоз бериш йўли билан обком ва назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркибини, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлади.

Вилоят партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида обком бюроси сайланди ва партия комитети бўлимларининг мудирлари тасдиқланди.

Р. ТУРСУНОВ,
А. МАННОПОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

халқнинг ўзи эмас, балки жумҳурият раҳбарлари итоаткор эди. Бинобарин, улар юқоридан берилган кўрсатмаларни муддатидан олдин бажариш ёки ошириб бажариш учун ҳамма ишни қилар эдилар. Шу сабабли ҳозирги вақтда жумҳурият иқтисодиётини қайси йўналишда ривожлантириш зарурлигини белгилаб олиш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эгадир. 20 миллионлик аҳоли бўлажак ўзгаришларнинг жўшқин оқимида ўзини ночор сезишига йўл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, бу ишда ҳар бир киши ва аввало, халқ ишониб ваколат бериб қўйган кишилар унинг манфаатларини ҳимоя қилишда қаттиқ туришлари лозим.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори норасмий ташкилотларга қаратилди. Кўпгина жиҳатлардан уларнинг мақсади расмий ҳокимият мақсадига ўхшашдир, аммо кўпинча суҳбат мутлақо асоссиз равишда гўё бошқабошқа тилларда олиб борилмоқда. Жумҳурият раҳбариятининг мақсади нимада? Бу — Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини ошириш, жумҳурият иқтисодиётини юксалтириш, унинг обрўсини, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Агар норасмий ташкилотлар ҳам ана шундай мақсадни ўз олдиларига қўйган бўлса, бу соҳада ўзаро келишиб, биргаликда иш олиб бориш зарур.

Бироқ шуни аниқ билиб олиш керакки, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмай туриб, сиёсий мустақиллик тўғрисида гапириш — хом хаёлликдир. Олдин одамларнинг турмуш даражасини ошириш, миллий даромадни кўпайтириш керак. Энг муҳими — Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил, ўз ҳудудида яшовчи халқни ҳимоя қилишга ва таъминлашга қодир бўлиши керак. Масалани бошқача ҳал қилиш керак: мустақиллик оғизда эмас, балки амалда бўлиши учун, бу ерда қайта ишланган нарсаларнинг ҳаммаси жумҳуриятнинг ўзида қолиши учун, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқ хўжалиги йўналиши ва структурасини ўзгартириш, халқаро алоқаларга ўтиш, корхоналарни замонавий техника ва илғор технология билан жиҳозлаш учун бозор иқтисодиёти чоғида Ўзбекистон барча моллар, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига кафолат берилиши керак.

Нотиқ пахтачилик муаммоларига батафсил тўхталиб ўтди. Маълумки, ҳукумат программасида нархларни тартибга солиб туриш масалаларини ҳал қилиш кўзда тутилган. Хусусан, пахта хом ашёси нархини 46 фоиз ошириш режалаштирилган. Бир тонна пахтанинг нархи оширилиб, 1539 сўмгача етказилиши режалаштирилмоқда. Бир қарашда бу яхшидек туюлади. Лекин, айни вақтда, ёқилғи, металл, бинокорлик материаллари нархини тағин ҳам ошириш кўзда тутилмоқда. Хуллас, аслини олганда, бу соҳада аҳвол яхшилик сари ўзгармайди. Шу боисдан жумҳурият ҳукумати пахта толаси учун белгилаш кўзда тутилаётган нархни қайта кўриб чиқиш ва энг муҳими, фақат пахта учун эмас, шу билан бирга халқаро бозорда талаб катта бўлган бошқа энг муҳим маҳсулот турлари учун давлат буюртмаси даражасини кескин камайтириш тўғрисидаги масалани СССР Министрлар Совети олдига қўйди.

Пахта экиладиган майдонларни тағин ҳам камайтириб, фақат қишлоқ аҳолисига эмас, шу билан бирга шаҳар аҳолисига ҳам ер участкалари ажратиш режаларини охиригача бажариш керак.

Лекин яна бир масала туғилади. Суверенитет, иқтисодий мустақиллик ҳаракат эркинлигини назарда тутади, лекин одатда, жумҳуриятда пахтанинг қанчаси чет элдаги қайси мамлакатга юборилаётганини аниқ билмайдилар.

Шу билан бирга, ҳар бир вилоят пахта учун чет эл валютаси олиб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга доир ўткир масалалар ҳал қилинмаган бир пайтда шу валюта ҳисобидан енгил автомашиналар, видеотехника, телефакслар сотиб олишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу масалада ҳукуматнинг фикри бир хил: жумҳуриятда пахта тозалаш саноати ва енгил саноат ходимлари билан Иттифоқдаги, шунингдек, чет эллардаги шериклар ўртасида воситачилик қиладиган Ўзбекистон енгил саноат — хом ашё ташкилотини тузиш зарур. Бу ташкилот ҳар бир пахта тозалаш заводи билан шартнома тузади. Пахтани қимматроқ сотиш учун бозорни, пахтага бўлган талабни пухта ўрганиш лозим.

Нотиқ Ўзбекистонда ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа комитетини тузиш зарурлигини айтди. Бу комитет четдан маҳсулот сотиб олиш ва четга маҳсулот сотиш масалалари билан шуғулланади. Жумҳурият валюта жамғармасини тузиш зарур, деб эътироф этилди.

Бошқа муҳим масала — чет эллик шерикларни нималар қизиқтиришидир. Ўзбекистон жаҳон бозорига пахтадан ташқари пилла, ипак, қоракўл тери чиқариши мумкин. Таиланд, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг намунаси оқилона хўжалик юритиш чоғида иқтисодий юксалишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этиш, ҳамкорликнинг бошқа самарали йўлларини қидириш керак.

И. А. Каримов жумҳурият бюджетига алоҳида эътибор берди. Жумҳурият бюджетидаги камомад уч миллиард сўмни ташкил этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида биринчи навбатда даромади ўртача турмуш даражаси учун зарур миқдордан кам бўлган кишилар тоифаси танг аҳволга тушиб қолади. Жумҳуриятда 9 миллион киши ана шундай тоифага киради. Булар — ногиронлар, пенсионерлар, талабалар, техникумларнинг ўқувчиларидир. Бунинг устига Ўзбекистонда пенсионер мамлакатдаги ўртача даражадан 10 сўм кам олади. Нархларнинг оширилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутни қандай қоплаш ҳозирча ҳал қилинмаган. Иттифоқ идораларининг қарорларига кўра, бу пул ҳар қандай ҳисоблаганда ҳам энг кам миқдорда бўлади. Уни жумҳуриятлар мустақил равишда оширишлари мумкин. Аммо нималар ҳисобига оширилади?

Шунинг учун ҳам фақат жумҳурият бюджетларинигина эмас, маҳаллий бюджетларни ҳам мавжуд номутаносиблик ва камомаддан холи қилиш ўтиш давридаги энг асосий масаладир. Ҳозирги вақтда бюджетнинг мутаносиб бўлиши — ижтимоий, маиший масалаларни ҳал қилишнинг, аҳолига ёрдам беришнинг асосий шартидир.

Ўзбекистон ССР Президенти ишсизлик муаммосига муфассал тўхталди. У кимларни ишсиз деб эътироф этиш лозимлигини шу вақтгача аниқ белгилаб бермаган иқтисодчиларга, Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетига, бошқа идораларга асосли таъналар айтди. Бунинг оқибатида рақамлар турлича бўлмоқда, бу эса ана шу тоифадаги одамларга ёрдам беришнинг пухта ўйланган ижтимоий режаларини тузишни жиддий равишда қийинлаштиради. Нотиқ қийин ва олижаноб иш — ёш авлодни тарбиялаш билан шуғулланаётган кўп болали оналар ҳам нархлар ортишидан келадиган зарарни қоплаш учун пул олишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Улар қишлоқ жойларда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилишлари мумкин, деган фикр айтилди. масалан, улар хонадонларда 15—20 кишилик болалар боғчаларида ишлашлари мумкин. Ўзбекистонда Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети билан Ижтимоий таъминот министрлиги бирлаштирилиб, катта хатога йўл қўйилган эди. Ҳозир ана шу хато тузатилди. Эндиликда, энг муҳим масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган идоралар аниқ белгилаб қўйилган пайтда ким ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда давлат ёрдамига муҳтож бўлган барча тоифадаги пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилишни белгилаб қўядиган вақт келди.

Нотиқ жумҳуриятда ишлаб чиқилаётган Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунга кўп эътибор берди. Ўзбекистондаги ўзига хос жиҳат шундаки, бу ерда аҳоли тез кўпайиб бормоқда, ер эса етишмайди. У бир мисол келтирди: бир йил ичида Самарқанд вилоятидаги Ургут районидан жумҳуриятнинг турли идораларига 700 киши келди. Баъзан 40—60 гектар ерни икки колхоз ўзаро келишиб, тақсимлаб ололмаётганлиги туфайли муаммолар вужудга келмоқда. Бу мисол жуда характерлидир. Нималарни давлат мулки, қайсиларини колхоз мулки, қатто шахсий мулк деб ҳисоблашни белгилаб қўядиган пайт келди. Бу соҳада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолари яхши иш олиб боришлари лозим. Уларга ҳар ишда ёрдам ва мадад бериш керак.

Майда корхоналарни, биринчи навбатда аҳолига хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлардаги (савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ва бошқа тармоқлардаги) корхоналарни сотиб олиб, уларни шахсий мулкка айлантириб сақлашни хоҳлаган кишиларга йўл очиб бериш керак. Айтайлик, корхона қийматининг (масалан, аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхона қийматининг 60—70 фоизини давлат мулки сифатида сақлаб қолиб, қолган қисмини акция шаклида шу корхонада ишлайдиган одамларга сотиш, улар учун улушларига кўра имтиёзли ставка белгилаш каби масалани ҳам ўйлаб кўриш керак. Қисқаси омилкорлик билан меҳнат қилиб, пул ишлаб топишни (бундан чўчимаслик керак) ҳоҳлаган кишиларнинг ташаббусига кенг йўл очиб бериш керак. Бу соҳада энг муҳими ҳаром йўллар билан пул орттирган айрим одамлар бундай корхоналар акцияларини сотиб олиб, шу ҳисобдан яшашларига йўл қўймаслик керак.

Янгиланган совет федерацияси доирасида жумҳуриятлар мустақиллигини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги кимгадир энг қулай шароит яратиб берилишига, бошқаларнинг эса ноқулай шароитга тушиб қолишига олиб бормаслиги лозим. «Тенглар орасида тенг» деган принципга риоя қилиниши зарур. Ўша Болтиқбўйи жумҳуриятларига энг қулай, алоҳида режим яратиб берилганлигини нормал ҳол деб бўладими? Корхона ва ташкилотлар территориал мансублигини ҳисобга олмай, бозор эҳтиёжлари учун ишлашларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳам худди шундан келиб чиқади.

Ҳозир Ўзбекистонда халқ хўжалигининг структураси шундайки, ҳар бир корхона технологиядаги изчилликни, энг муҳими эса, территориал манфаатларни ҳисобга олмай, маҳсулотини шу ернинг ўзида қайта ишлаш мумкинлигига қарамай, жумҳуриятдан ташқарига жўнатаверади. Капролактам, нитрон ва бошқа кўп маҳсулотлар шундай қилинмоқда.

Бутун халқ хўжалигини хом ашё етиштирувчи тармоқдан мустақилликка тўбдан ўтказиш масаласи кўпдан буён кўндаланг бўлиб турибди. Халқ хўжалиги саноат жиҳатидан ривожланган бўлиши, бу комплекс тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши, корхоналар бюджети ва жумҳурият миллий даромади учун даромад манбаи бўлиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ҳудудида чет элларнинг илғор технологияларини қўлланиб, фан билан боғлиқ корхоналар барпо этиш тўғрисида ўйлаш даркор. Ўзбекистон учун нималарни ишлаб чиқариш фойдалигу, нималар ишлаб чиқариш фойда бермаслигини гоят эътибор билан ўрганиш керак. Саноат хом ашё йўналишида бўлганлиги учун ундан жумҳурият хазинасига жуда кам пул тушади. Чунки, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналаргина оборот солиғи тўлайди. Шунинг учун ҳам ип газлама ва тўқимачилик саноати рентабелли эмас. Пахта тозалаш саноати уч миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳам, амалда бюджетга ҳеч нарса бермайди.

Жумҳуриятни янги иқтисодий марраларга олиб чиқиш учун билимдон кадрлар зарур. Саноатимизнинг йўналиши шу қадар тор бўлса, бундай кадрлар қаердан келсин? Тошкентдаги 170 минг нафар ишчидан атиги салкам 7 минг нафари юқори малакалидир, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун ёшларни мамлакатнинг етакчи корхоналарига ва чет элларга иш ўрганиш учун жўнатиш керак. Бунинг учун бюджет ва валюта маблағи зарур. Аввало, маҳаллий аҳоли орасидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Бу режалар жумҳурият аҳолисининг кенг тоифалари орасида ишлаб чиқилиши лозимлиги, айниқса, муҳимдир. Уларнинг маслаҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олмай туриб, ҳеч қандай қарор қабул қилинмаслиги лозим. Ҳозирги вақтда нархларнинг ошиши режалаштирилмоқда, қандай моллар нархи ошади ва бу одамларнинг турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади, деган савол аҳолини кўпроқ ташвишга солиб турибди. Бу ўринда бир гапни айтиш мумкин: халқ муҳокама қилмай туриб, чакана нархлар оширилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

И. А. Каримов бозор муносабатларига ўтиш арафасида жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволини муфассал таҳлил қилиб берди. У Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишдаги дастлабки шароит Иттифоқ ўртача шароитидан анча орқада эканлигини таъкидлади. Бу аҳволни тенглаштириб олиш учун жумҳуриятга камида 10 миллиард сўм зарур бўлади. Қандайдир Бутуниттифоқ ёрдам жамғармаси тузилиши тушунарлидир, лекин бу ўткир муаммони ҳал қилишга қодир эмас. Ўтиш давридаги имкониятларни мумкин қадар тезроқ бараварлаштириб олиш, етишмаётган маблағни Ўзбекистонга жўнатиш керак. Айни бир вақтда нархлар ҳисобига жумҳурият иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш лозим. Тайёр маҳсулотни сотиш бозорини кенгайтириш зарур, бундай маҳсулотни сотиш ҳисобидан муқим фойда олиш мумкин бўлади, бу фойда турли ижтимоий режаларни бажариш учун сарфланади. Бозор иқтисодиёти, ўтиш даврида жумҳурият раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар жумҳурият бутун аҳолисининг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим, бу чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти қарор топиши даврида ҳимоя ролини ўйнаши мумкин. Ҳамма соҳада зўр ғайрат билан меҳнат қилиш — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши учун энг асосий масала бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгаш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. И. Икромов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, жумҳурият Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ў. Р. Умарбеков, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши раиси Ҳ. Алимова иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**

⊙ Нукусда Оролбўйидаги экологик мувозанатни тиклаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу тадбирлар амалга оширилишини назорат этиш учун тузилган Иттифоқ ҳукумат комиссиясининг уч кунлик сайёр мажлиси туғади. Шу йил февралида мамлакат Олий Советининг қарорига биноан тузилган мазкур комиссия Орол денгизини қутқариш йўл-йўриқларини аниқлаш, илгари қабул қилинган қарорларнинг рўёбга чиқишига фаол таъсир ўтказиши керак.

ОРОЛГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

Ҳукумат комиссиясининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев мажлисни очар экан, Оролни қутқариш муаммоси унинг тевирагида яшаётган кишиларнинг нормал турмуш шароитларини таъминлаш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади. Комиссия Оролбўйига тааллуқли кенг кўламли дастур тайёрлашни режалаштирган. Бу режа совет парламенти ва мамлакат ҳукумати муҳокамасига тақдим этилади. Бу иш СССР Олий Советининг экология масалалари ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қўмитаси билан қалин ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар Советининг бурноғи йили қабул қилган 1110-қарорини ушбу ҳужжатда режалаштирилган тадбирларни рўёбга чиқаришда қатнашаётган министрликлар, идоралар, ташкилотлар, ҳудудида иш олиб борилаётган иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари қандай бажараётганлигини муҳокама қилдилар.

Муҳокамада Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси А. Х. Тожиев, СССР мелиорация ва сув хўжалиги қурилиши министрининг биринчи ўринбосари П. А. Пўлатзода, СССР геология министрининг ўринбосари М. Д. Пельменев, СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. Д. Царегородцев, «Орол» илмий-тадқиқот мувофиқлаштириш марказининг раиси В. М. Котляков, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими ҳайъатининг раиси С. Камолов, Орол ва Оролбўйини қутқариш жумҳурият жамоатчилик қўмитасининг раиси П. Шермуҳамедов, Туркманистон ва Қозоғистон совет идораларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда СССР Олий Советининг экология масалалари ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш қўмитаси раиси Қ. С. Саликов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков сўзга чиқдилар.

Мажлис ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. М. Орипжонов, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари партия қўмиталарининг биринчи котиблари С. Д. Ниетуллаев ва Р. Худойберганова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг 5-сони босмадан чиқди ва обуначиларга тарқатилмоқда. У партия Марказий Комитетининг 1990 йил апрель ойидаги иши тўғрисидаги ахборот билан очилади. Партия XXVIII съездига тайёргарлик, съездолди мунозарасини авж олдириш, партия сафларини жипслаштириш ушбу ишнинг марказида бўлди.

Журналда партия XXVIII съездига тайёргарлик юзасидан КПСС Марказий Комитети комиссияларининг, Россия партия конференциясига тайёргарлик комитетининг аъзолари, Марказий Комитет Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан таклифларни оператив ҳисобга олишни, таҳлил қилишни ва амалга оширишни ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси ҳақидаги, XXVIII съездга йўлланган мактублар, таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомлар эълон қилинган. Журналда Марказий Комитет Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари тўғрисидаги хатлардан сатрлар, Красноярск ўлкаси партия ташкилотларидаги мунозаралар тўғрисидаги ахборот ҳам берилган.

«Партия Марказий Комитети пленумларининг стенограммалари» рубрикаси остида КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил март Пленуми стенографик ҳисоботининг бир қисми эълон қилинган. У Пленум ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан таҳрир комиссияси мажлисидаги ёзувдан олинган.

Журналнинг бу сонида иттифоқдош республикалар партия ташкилотларининг 1990 йил 1 январидаги таркиби, КПСС Марказий Комитетига келаётган мактублар ва 1989 йилда Марказий Комитет маълумот-қабулхонасида гражданларни қабул қилиш, В. И. Ленин музейлари тўғрисида, СССРда ҳорижий ишчилар ва мутахассислардан фойдаланиш, партиянинг марказий назорат органлари, номзодлик стажи, кўп партиялилик муаммолари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институти тўғрисидаги, мамлакатда иш ташлашлар натижасидаги йўқотишлар, кадрларнинг ўзгариши ва партиянинг халқаро алоқалари, «Известия ЦК КПСС» журналхонлари билан учрашувлар тўғрисидаги ахборот материаллари ва муштарийларнинг саволларига жавоблар ўрин олган. «Ўтмиш мактублари» рубрикаси остида биринчи марта А. А. Тарковскийнинг КПСС Марказий Комитетига юборган тўртта мактуби эълон қилинган.

Архив бўлимида журналхонлар Марказий Комитетнинг 1919 йил ноябрь ойидаги фаолияти хроникаси, 1923 йилдаги партия ички мунозараси ҳужжатлари, шу жумладан, Л. Д. Троцкийнинг 1923 йил 8 октябрда Марказий Комитет аъзолари ва РКП/б/ Марказий назорат комиссиясига йўллаган мактуби билан танишадилар. «Улуғ Ватан уруши тарихидан» рубрикаси остида уруш арафасидаги ҳужжатларни эълон қилиш давом эттирилган, улар орасида Н. А. Вознесенский, Г. К. Жуков, М. П. Кирпонос, Г. И. Кулик, С. К. Тимошенколарнинг мактублари бор. Бўлимнинг охирида А. М. Горькийнинг 1934 йилда ёзган иккита мактуби ҳамда «Известия ЦК РКП/б/» журналининг 1920 йил март ойидаги учта сони обзори берилган.

* * *

Шу йилнинг июнь ойида «Известия ЦК КПСС» журнали ахборот иловаси — «Гласность: информация, мнения, комментарии» ҳафтаномасининг биринчи сони чиқади. Унда коммунистлар, меҳнаткашларнинг Марказий Комитетга юбораётган саволларига жавоблар, долзарб ижтимоий-сиёсий ахборотлар, партия қарорларига, партия, мамлакат турмушидаги ва чет эллардаги энг муҳим воқеаларга шарҳлар, таҳлилий обзорлар босилади. Ҳафтанома КПСС Марказий Комитетининг «Правда» нашриётида «Правда» газетасининг ярим формати 8 саҳифа ҳажмида чиқади. У обуна бўйича ҳамда чакана савдо орқали тарқатилади. Илованинг бир сони 10 тийин туради. Янги ҳафтаномага обуна алоқа бўлимлари ва «Союзпечать» корхоналарида қабул қилинади. Бир ойлик обуна нархи — 43 тийин, уч ойга — 1 сўм 29 тийин, олти ойга — 2 сўм 58 тийин, бир йилга (1991 йилдан бошлаб) — 5 сўм 16 тийиндир. Нашр индекси — 50018.

(ТАСС).

«МУЛОҚОТ»

Касаба уюшмалари Андижон вилояти кенгашининг ахборотномаси — «Мулоқот» газетаси чиқа бошлади. Район газетаси ҳажмидаги бу рўзнома ўз сонида ярим миллион кишини бирлаштирган Андижон вилояти касаба ташкилотининг овози сифатида вужудга келди. Ахборотноманинг биринчи сонида касаба уюшмалари Андижон вилояти кенгашининг раиси М. Ғ. Музаффарованинг «Меҳнаткаш халқ биздан розими?», Марҳамат районидаги «Электротехника» заводи касаба уюшмасининг раиси М. Тошлоновнинг «Тарбиячи ҳам бўлайлик», Андижон шаҳридаги «Коммунар» заводи касаба уюшмасининг раиси А. Андроповнин

• *Бугун—Кимёгарлар куни*

ДАРЁНИНГ БИР МАВЖИ

Кимёвий маҳсулотлар хусусида турли мулоҳазалар мавжуд. Баъзилар билиббилмай, кимёвий маҳсулотлар одамзотга зарар, табиат булғанади... деган нохолис фикрларни баланд овоз билан айтишга, гўё шу баланд овоз билан ўз мулоҳазаларини тўғри деб таъкидлашга уринишмоқда. Бўлса бордир.

Лекин биз бундай бир ёқлама фикр юритишга қаршимиз. Нега? Ўз умрини ўсимликлар кимёси тадқиқига бахшида этган аллома, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собир Юнусов: «Наботот (доривор ўсимликлар) — она табиатнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, бизнинг вазифамиз ана шу хазинани инсонларнинг келажак бахт-саодати учун ишлата билишдир» деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг кимё фани жабҳасидаги олимлари ўсимлик моддалари мўъжизасини аниқлаб, уни инсон бахт-саодати, манфаатлари йўлида хизмат қилдиришга қадимдан уриниб келганлар. Бу соҳада катта кашфиётлар қилганлар. Ўсимлик моддаларини атрофлича тадқиқ этиб, ундан инсон саломатлигини муҳофаза этувчи турли-туман дорилар яратишган ва яратилмоқда.

Бунга мисоллар кўп. Энг кейинги мисол шуки, кимё фанида янги йўналишларнинг вужудга келиши билан XX аср фан-техника тараққиёти тарихида яна бир янги инқилобий ҳодиса рўй берди. Эндиликда биология, кимё ва техника фанлари биргаликда ишлаши натижасида она табиатнинг сирлари чуқурроқ тадқиқ этила бошланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институтининг олимлари — институт директори Х. Орипов ва институт тажриба-технология лабораторияси мудири, техника фанлари доктори, профессор Талъат Шокировлар раҳбарлигида бу соҳада кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар доривор ўсимликлар таркибидаги доривор моддаларни ўрганиш ҳамда амалий медицина, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва фармацевтика амалиётида қўллаш имкониятлари борасида жадал ишлашяпти.

Ўзига хос мактаб яратган Талъат Шокиров ўттиз йилдан ошдики, бу соҳада шитоб билан тадқиқот ишларини адо этяпти. У 238 та илмий мақола эълон қилди. 71 та муаллифлик гувоҳномаси олди. Иккита монография яратишга муваффақ бўлди. Алкалоидлар ва баъзи фурокумаринларни ишлаб чиқариш технологиясини атрофлича тадқиқ этди. Пахта чигитидан оқсил, фитин ажратиб олиш технологиясига оид тадқиқотлари саноат тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликлари учун у «СССР ихтирочиси» нишондори бўлган.

Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Шокиров илмий ишларининг кўпчилиги инсон саломатлигини тиклашга қаратилган. Кейинги вақтларда олим нафас йўллари, тери касалликлари, асаб касалликлари, юрак аритмиясини даволайдиган қатор препаратлар яратдики, улар фармацевтика саноатида кўплаб ишлаб чиқариляпти. Гап шундаки, тиниб-тинчимас олим ўсимлик моддалари таркибини диққат билан ўрганиб, ўз бошчилигида яратилган дориларни саноат йўли билан ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга дадил ҳисса қўшиб келмоқда.

Фаннинг заҳматли сўқмоқларидан дадил ўтиб, янгилик кашф этишда сабот билан меҳнат қилаётган устоз тадқиқотчининг илмий бисоти катта. Цитизин, псорален, псоберан, аллапинин каби дори-дармонлар, кўпиртирувчи моддаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши Т. Шокиров истеъдоди ва шогирдларининг кўп йиллик илмий изланишларидан далолат бериб турибди.

Институтимиз жамоаси номидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, уни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, кенг жорий этишда ташаббус кўрсатаётган ғайратли олим, ёш тадқиқотчилар мураббийси Талъат Шокировни биз, шогирдлари қутлуғ байрам — Кимёгарлар куни билан муборак этамиз. Чунки институтимиз тадқиқот соҳасида дарё бўлса, Талъат Шокиров шу илмий-тадқиқот дарёсининг сертўлқин бир мавжи, дея қиёс қилсак арзийди.

М. ТУРАХЎЖАЕВ,
Р. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институтининг етакчи илмий ходимлари.



Сураткаш мухбиримиз В. Молгачев «Навоназот» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатчилар ҳузурида бўлиб, ушбу лавҳаларни келтирди. Таълум бўлишича, бу корхона ишчи-хизматчилари ярим йиллик планни бажариш арафасида турибдилар. Олим Ширинов ва Қилич Болтаев корхонадаги социалистик мусобақанинг пешқадамлари ҳисобида довруғ қозонишган.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНИДА

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг май ойи сони босмадан чиқди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Айрим вақтли нашрларининг мақоми, номлари ва ҳажм кўрсаткичларига ўзгартишлар киритиш ҳамда янги газеталар очиш тўғрисида»ги қарори билан очилади.

«Правда» газетаси матбуот ва публицистика бўлими муҳаррирининг ўринбосари Н. Демидов «Журналистнинг позицияси» сарлавҳали мақоласида қаламкашларнинг қийин меҳнати юзасидан мулоҳаза юритади. СССР Журналистлар уюшмаси бошқаруви аъзоси Г. Неклесса эса «Янгиланиш стратегияси ва тактикаси» номли мақоласида СССР Журналистлар уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган пленумида кўрилган масалалар, қўшни республикалар журналистларининг иш тажрибалари ҳақида сўзлайди.

Май ойи — байрамлар ойи. Матбуот ходимларининг анъанавий касб байрамлари ҳам худди шу — май ойида. Шунга кўра редакция коллективи байрам сонида бевосита ҳамкасблар фаолиятини кўпроқ ёритишга интилган. Чунончи «Бизнинг депутат» рубрикаси остида берилган лавҳаларда Қорақалпоғистон АССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Улмамбет Хўжаназаров («Менга ҳаммаси қадрли») ва форишлик линотипчи Ҳикоят Суннатова («Элга манзур қиз») тўғрисида, «Устоз ҳақида сўз» деб номланган янги рубрикада кўплаб иқтидорли журналистларнинг мураббийси Исмоил Сулаймонов («Бу сўқмоқдан юрмаган ким бор?») ҳақида ҳикоя қилинади. «Ҳамкасбларимиз» рубрикасидаги лавҳада эса «Совет Ўзбекистони» газетасининг андижонлик ўз мухбири Анорбой Қуронбоев («Исёнкор қаламкаш») фаолияти ҳақида сўз боради.

Шунингдек, журнал саҳифаларида район, вилоят ва жумҳурият матбуот органлари амалга ошираётган ишлар, улар олдида турган муаммолар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳам илмий, ҳам методик», «Янги газета муаммолари», «Қалбга йўл излаб...», «Таниш кишилар шаҳри», «Инқилоб қуёши»нинг давомчиси» каби ва бошқа мақолалар, фоторепортажлар эълон қилинган.

• *Жамоатчилик—катта куч*

Маҳалла омманинг ташаббуси, ижоди натижасида вужудга келган ва ривожланаётган ташаббускор ташкилотлардан бири. Демократиянинг ривожланиши билан меҳнаткашларнинг оммавий-ташаббускор ташкилотлар орқали жамият ишини бошқаришдаги иштироки кун сайин кенгаймоқда. Унинг хилма-хил шакллари қарор топмоқда. Маҳалла комитетлари Советлар ва унинг ижро органларига кўпгина ишларда яқиндан ёрдам бермоқда.

Давр талабига қараб, Ўзбекистон ССР давлати ва ҳукумати маҳалла комитетлари тўғрисида бир неча низом қабул қилди. Масалан, 1932 йил 17 апрелда жумҳуриятимиз Марказий ижроия комитети, 1941 йил 19 январда ва 1953 йил 3 апрелда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан шаҳарлардаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган эди. Ҳозир эса 1983 йил 4 июлда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлаган жумҳурият шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низом амалда. Бу Низомда маҳалла комитетларини ташкил этиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, вазифалари ҳамда иш олиб бориш шакли, услублари белгиланган. Маҳалла комитетлари шу Низомга мувофиқ аҳолига моддий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида кўрилган тадбирларни муваффақиятли равишда амалга ошириш ҳамда ободончилик, уй-жой ва коммунал хўжалиги биноларини сақлашда, санитария, маданий-оқартув ишларини йўлга қўйишда фаол қатнашишлари керак.

Абдулла, Санда Зуннунова, Акмал Пўлат, санъаткор ва композиторлардан Тўхтасин Жалилов, Саиджон Калонов, Наби Ҳасанов каби атоқли олим ва адибларни ёдлаш, ардоқлаш кечаларини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда маҳалланинг табаррук кишиларидан Сафар бобо Шариповнинг 100 йиллигини, бир қатор кексаларнинг 90 йиллиги нишонланди.

Маҳалладаги барча ишларни аҳоли сайлаган комитет аъзолари кўпчилик ёрдамида олиб боряптилар. Хотин-қизлар кенгаши, Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари кенгаши, ўртоқлик суди ишлаб турибди. Маҳаллада истиқомат қилувчи олимлар, маданият ходимлари, врачлар ва «Билим» жамиятининг лекторлари тез-тез суҳбатлар ўтказадилар. Газеталарда босилаётган қизиқарли мақолаларни ўқишиб, муҳокама қиладилар, ўзаро фикр алмашадилар ва тегишли чора-тадбирлар белгилайдилар. Жамоатчилик уйида тарихий саналарга, байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва маҳалла тўйлари, сайиллари ўтказилмоқда. М. Турғунбоева номли кўчада «Баҳор» ансамбли солистлари иштирокида катта концерт ва бошқа санъаткорларнинг чиқишлари жуда қизиқарли ўтди.

Хотин-қизлар кенгаши ва ота-оналар комитети ташаббуси билан ёш авлоднинг тарбиясини яхшилаш, ўқувчиларнинг билимларини ошириш, ўзлаштириш, уларни тарбиялашда мактаб билан маҳалла коллективи алоқасини мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида турибди. Ўтган йили ўтказилган «Қайнона ва келин» учрашуви жуда ибратли бўлди. Унда қаҳрамон она Қ. Ғаниева ва унинг етти келини иштирок этди. Қаҳрамон оналар — Қ. Ғаниева, Р. Хўжабековаларнинг оилалари уй-рўзғор тутишда, фарзанд тарбиялаб ўстиришда ҳавас қилса арзийдиган оилалардан.

МАҲАЛЛА ОБРЎСИ

Бундан ташқари маҳалла комитетлари ўз территорияларида осойишталикни сақлаш, ҳашар йўли билан жамоат биноларини, шахсий уйларни қуриш, таъмирлаш, йўллар ва йўлкаларни тузатиш, ариқларни тозалаш, «Наврўз», ҳосил байрами, гул байрами, қовун сайили, кўча байрами, олтин ва кумуш тўйларни, таваллуд тўйларини ўтказиш ва шулар каби кўпгина бошқа ташкилий ишларни амалга оширадилар. Алоҳида қайд қилиш лозимки, маҳаллаларда истиқомат қилувчи халқнинг қадимий удумларини, дўстлик, қардошлик, поклик, меҳр-оқибат, одоб, яхши хулқ каби одамийликка хос анъаналарини кўз қорачиғидай сақлашда бу комитетларнинг кўп қиррали ташкилий ишлари жуда яхши натижалар бермоқда.

Тошкент шаҳри Киров районидаги Янгиариқ, 1—Кисловодский, Жомий, Карл Маркс, Улуғбек, 1—Отчопар, Боксерский, Фирдавсий ва бошқа маҳалла комитетларининг бой иш тажрибаларида буни яққол кўрамиз.

Янгиариқ маҳалласидаги ибратли ишларга бир назар ташлайлик. Маҳаллада 700 хонадон бўлиб, мингдан ортиқ оила яшайди. Маҳалладаги уйлар расамад билан, лойиҳа асосида қурилган бўлиб, кўчалари ва майдонлари асфальтланган.

Маҳаллада 3 та озиқ-овқат магазини, 2 та поликлиника (филиали), битта 840 бола ўқийдиган ўрта мактаб, 3 та болалар боғчаси, 2 та клуб-чойхона, новвойхона, 2 та «Союзпечать» дўкони, сартарошхона бор. 90—95 фоиз хонадонда телефон ўрнатилган, 80—90 фоизгача хонадон канализацияга уланган, кўпгина кўчалар ариқ суви билан таъминланган. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлигидан далолатдир. Шуниси қувончлики, бу маҳаллада шу ерда яшаб ўтган, умр кечирган Ойбек, Миртемир, Собир Абдулла, Санда Зуннунова, Акмал Пўлат, санъаткор ва композиторлардан Тўхтасин Жалилов, Саиджон Калонов, Наби Ҳасанов каби атоқли олим ва адибларни ёдлаш, ардоқлаш кечаларини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда маҳалланинг табаррук кишиларидан Сафар бобо Шариповнинг 100 йиллигини, бир қатор кексаларнинг 90 йиллиги нишонланди.

Маҳалладаги барча ишларни аҳоли сайлаган комитет аъзолари кўпчилик ёрдамида олиб боряптилар. Хотин-қизлар кенгаши, Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари кенгаши, ўртоқлик суди ишлаб турибди. Маҳаллада истиқомат қилувчи олимлар, маданият ходимлари, врачлар ва «Билим» жамиятининг лекторлари тез-тез суҳбатлар ўтказадилар. Газеталарда босилаётган қизиқарли мақолаларни ўқишиб, муҳокама қиладилар, ўзаро фикр алмашадилар ва тегишли чора-тадбирлар белгилайдилар. Жамоатчилик уйида тарихий саналарга, байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва маҳалла тўйлари, сайиллари ўтказилмоқда. М. Турғунбоева номли кўчада «Баҳор» ансамбли солистлари иштирокида катта концерт ва бошқа санъаткорларнинг чиқишлари жуда қизиқарли ўтди.

Хотин-қизлар кенгаши ва ота-оналар комитети ташаббуси билан ёш авлоднинг тарбиясини яхшилаш, ўқувчиларнинг билимларини ошириш, ўзлаштириш, уларни тарбиялашда мактаб билан маҳалла коллективи алоқасини мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида турибди. Ўтган йили ўтказилган «Қайнона ва келин» учрашуви жуда ибратли бўлди. Унда қаҳрамон она Қ. Ғаниева ва унинг етти келини иштирок этди. Қаҳрамон оналар — Қ. Ғаниева, Р. Хўжабековаларнинг оилалари уй-рўзғор тутишда, фарзанд тарбиялаб ўстиришда ҳавас қилса арзийдиган оилалардан.

Ёрдамга муҳтож кишилар учун меҳр-мурувват қилиш инсоннинг бурчи. Яқинда Қизил Ярим ой ва Меҳр-шафқат республика жамияти ва маҳалла комитети кўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларга 100 сўмдан моддий ёрдам берди. Шунингдек, маҳалламиздаги 21-поликлиника ҳузурида ёрдамга муҳтож, қаровсиз кексалар учун махсус хона ва медицина ҳамшираси штати ажратилди.

Марҳумларни ёдга олиш, хотирлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Маҳалламизда яшаб, ижод этган кишиларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бир қатор режалар белгиладик. Маҳалланинг обрўсини янада ошириш, унинг таъсирли имкониятларидан тўла фойдаланиш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, КПСС XXVIII съездини муносиб кутиб олиш мақсадида маҳалламиз аҳли Жомий номидаги маҳаллани социалистик мусобақага чақириб, ўзаро шартнома тузадилар. Бу шартномага биноан ҳар икки маҳалла комитети Ўзбекистон ССР маҳалла (квартал) комитетлари ҳақидаги Низомга мувофиқ ўз ташкилий ва оммавий ишлари савиясини кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда «СССРда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу муносабат билан назаримда амалдаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомни қайта ишлаб чиқиш зарур.

К. КОМИЛОВ,
юридик фанлари номзоди.

СССР ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИ УЮШМАСИ

22-25 май кунлари Москвада бўлиб ўтган таъсис конференциясида СССР жамоатчи мухбирларининг уюшмаси ташкил этилди. Конференцияда мамлакатнинг кўпгина республикалари, ўлкалари ва вилоятларидан салкам 240 нафар ишчи ва қишлоқ мухбирлари иштирок этди. Ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатининг келажаги тўғрисида ғамхўрлик уларни ушбу анжуманга чорлади.

Жамият Низоми тасдиқланди.

Конференцияда мамлакат жамоатчи мухбирлари уюшмасининг марказий кенгаши ва бошқаруви сайланди. Ишчи мухбир, М. И. Ульянова номли мукофот лауреати А. Сперанский уюшма раиси бўлди.

(ТАСС).

ШИРИН СЎЗ— ЖОН ОЗИҒИ

Яқинда биз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун мўлжалланган Тошкент шаҳар госпиталида даволаниб чиқдик. Ватанимизнинг немис-фашист босқинчилари устидан ғалабасига 45 йил тўлган бўлса-да, уруш жанггоҳларида олган жароҳатларимиз бизни ҳамон безовта қилади. Ҳар йили биз каби уруш ногиронлари даволанадиган бу шифохона шаҳарнинг баҳаво қисмида жойлашган бўлиб, унинг тиббий ходимлари ва хизматчиларига тажрибали шифокор Эргаш Қурбонов раҳбарлик қиляпти.

Биз, шифохонанинг кардиология бўлимида даволаниб, бўлим врачлари ва ҳамширларнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборида бўлдик. Айниқса, бўлим мудири, медицина фанлари номзоди Ғани Акромхўжаев ва кардиолог-врач Т. Н. Литвинованинг хушмуомалалиги, ўз ишини сидқидилдан севиши кайфиятимизни хушнуд этди. Шинам ва ораста хоналаримиз врач Татьяна Николаевна ташрифидан янада мунаввар бўлиб кетарди. Биз, кексалар, ширин сўзнинг бемор учун қадри нақадар зиёдлигини ҳис қилдик бу ерда. Биз ҳукуматимиз яратиб берган қулайликлардан беҳад мамнун бўлиб қайтдик.

К. МАҲКАМОВ,
М. СОДИҚОВ,
С. БОНДАРЧУК,
Улуғ Ватан урушн қатнашчилари.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

Олий ва ўрта махсус таълим мактабларига ҳужжат топшириш, орзу қилган касбини эгаллаш борасидаги синов тобора яқинлашмоқда. Ўқув даргоҳлари имтиҳонлари, имтиёзлари юзасидан муштарийларимиз самарқандлик Г. Холматова, Д. Раҳмонова, П. Усмонова, андижонлик О. Тешабоева, Л. Абобакирова, сурхондарёлик М. Аминова, М. Сафарова, қашқадарёлик Ш. Худойқулов, Б. Шаропов, тошкентлик Ш. Орипов, бухоролик М. Тўйжонова, Ленинободдан Қ. Болтаев, Тошовуздан Ҳ. Иноятуллаев, М. Собирова, З. Бобожонова, Н. Тўхтамишева, Э. Рустамов, М. Аҳмедова, Ҳ. Деҳқонова, Р. Мирзаева, А. Парпиев, Г. Суюнов, Д. Назаров, М. Шодиева, М. Шерматова, Р. Явқочева, Г. Абдураҳимова, З. Холматов, Г. Матёқубова, М. Бозорова ва бошқалар хат-хабар йўллашган. Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги олий ўқув юртлари Бош бошқармасининг бошлиғи С. ҒУЛОМИДДИНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Аввало шуни айтиш керакки, вазирлик олий таълим ўқув-методик Бош бошқармаси аввалги йиллар қабул комиссиялари ишини таҳлил этиб, бир қатор янги тузатишлар киритди. Касб-ҳунар эгаллашга мактаб партасиданоқ алоҳида эътибор бериляпти. Жумладан, Тошкент халқ хўжалиги институти 90-мактаб ўқувчилари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Бу ерда олий иқтисодий таълимни эгаллашга меҳр қўяётган битирувчилар сафи ортиб бормоқда. Бундай гуруҳлар сарланглашгач, олий ўқув юрти мураббийлари алоҳида дастур бўйича институтга кириш учун тайёргарлик ишларини олиб борадилар.

Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида ўқувчилар орасида олимпиадалар ўтказиш анъанага айланган. Унинг ғолиблари кейинчалик талабалар сафидан ўрин олмоқда. Фарғона политехника институти олимлари ҳам мактабларда тез-тез бўлиб, иқтидорли ёшларни танлашга эътибор бераётир.

Бу йилдан бошлаб олий ўқув юртлари ректорларига ҳам катта имтиёзлар берилган. Жумладан, 1-2 имтиҳонни эртароқ топшириш, кўчма қабул имтиҳонларини уюштириш, фанлар бўйича олимпиада ғолибларини кириш имтиҳонларисиз олий ўқув юртига қабул қилиш, ногиронларга қабул пайтида имтиёзлар бериши мумкин. Абитуриентлардан характеристика талаб қилинмайди. Ҳунар-техника билим юртлари ва техникумни битирган ёшлар олий ўқув юртларига бемалол ҳужжатларини топширaверадилар.

— **Садриддин Заҳриддинович, айрим муштарийларимизни мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар тақдири қизиқтиряпти...**

— Бугунги кун долзарб муаммоларини ҳал этишда ҳар томонлама иқтидорли, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиш зарур. Бу борада мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга юборилаётган йигит-қизлардан умидимиз катта. Ўтган йили конкурсдан ташқари ва ширкат йўли билан қабул планга мувофиқ 3900 нафар ёш юборилиши керак эди. Жумҳурият Халқ таълими вазирлигидан 2101, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан 1775 ва Маданият вазирлигидан 26 талаба ўқишга юборилди. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, ўта тақчил мутахассислик бўйича мамлакатимизнинг 79 шаҳридаги олий ўқув юртларида 128 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Табиийки, бу рақам етарли эмас. Бу муаммога сифат жиҳатдан алоҳида эътибор бериш вақти келди.

Абитуриентларни оқилона танлаш ва уларни жумҳуриятдан ташқарига юбориш масъулият билан ёндашмоқ керак.

Ўқувчиларни ширкат тартибида юбориш бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон олий ўқув юртлари яхши анъанани йўлга қўйганлар. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик йигит-қизлар Москва, Ленинград, Новосибирск, Киев, Львов, Минск ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларида ўқиши учун шартномалар тузиляпти. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликлари «Гўшт ва гўшт маҳсулотлари технологияси», «Сут маҳсулотлари технологияси» сингари мутахассисликлар бўйича тақсил олаётган ёшларга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистонлик талабаларнинг ҳаммаси ётоқхона билан таъминланган, уларнинг 80 фоизи стипендия олмоқда. Талабалар факультет, олий ўқув юртлари жамоатчилик ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Бу мулоқот уларнинг изланишларига катта самара бераётир. Юзлаб йигит-қизлар аъло баҳоларга ўқиб, ҳурматга сазовор бўлаётирлар. Москва энергетика институтидан А. Исматов, Р. Ҳасанов, А. Тихоновлар стипендияларига қўшимча 50 фоиз пул олишяпти. Севастополь асбобсозлик институти талабаси М. Худоймуродовга аъло ўқиганлигиз учун аспирантурада ўқишни давом эттириш тавсия этилди.

Марказий олий ўқув юртларини битириб келаётган жумҳуриятимиз талабалари малакали мутахассис сифатида йирик корхоналарда, илмий муассасаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ёшларнинг ўз билим ва маҳоратларини ошириш учун барча олий ўқув юрти эшиклари очиқ. Жумҳуриятимизда кадрлар тақчиллигини ҳисобга олиб, турли мутахассисликлар бўйича талабалар қабул қилиш режаси янада ортади. Шу йили Марказий ва иттифоқдош жумҳуриятлар олий ўқув юртларига техник мутахассисликлар, яъни «Машиналар динамикаси ва унинг чидамлилиги», «Сув ресурслари ва аквокультура», «Металларни юқори босим билан қайта ишлаш», биотехника, тиббиёт аппаратлари ва системалари сингари кўпгина корхоналаримиз муҳтож бўлаётган мутахассисликлар бўйича талабалар қабул қилиш кўпаяди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ленинград шаҳри билан, яъни энг яхши олий ўқув юртлари билан генетика, дизайн, сиёсий иқтисод ва бошқа мутахассисликлар бўйича қўшимча кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома тузди. Бундай алоқа ва муносабатлар янада кенгайиб бориши шубҳасиздир.

Халқ манфаатини ўйлаб

АНИҚ ТАДБИРЛАР

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Харидоргир озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетишни вақтинча чеклаш ва ички бозорни барқарорлаштиришга қаратилган бу қарор бизнинг коллективимизда ҳам кенг амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг давлат автоинспекцияси бўлинмалари бу қарорни амалга ошириш юзасидан аввало муайян тадбирлар ишлаб чиқдилар. Ҳамма жойда — автокорхоналарда, колхоз ва совхозларнинг гаражларида, автокооперативларда кўпгина профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат автоинспекцияси-нинг барча бўлинмаларида ана шу масала юзасидан машғулотлар ўтказилди. Йўлларда назорат кучайтирилди.

Кейинги вақтларда харидоргир молларни четга олиб чиқиб кетиш жумҳуриятимиз бозорларидаги нарх-навога салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим маҳсулотларнинг нархи юқорига ўрлаб кетди. Баъзи ташкилотлар ва шахслар ўзимизда тақчил бўлиб турган маҳсулотларни ва буюмларни бошқа жумҳуриятларга элтиб сотмоқдалар ва бундан катта манфаат кўрмоқдалар. Ана шу сабабли ҳам бизнинг бўлинмаларимиз бундай ўзбошимчаликларнинг олдини олиш учун кескин кураш бошладилар.

Ман қилинган маҳсулот ва буюмларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишини тўхтатиш мақсадида жумҳуриятимиз бўйича қўшимча 68 та пост ташкил этилди. Бу жойларга ички ишлар хизмати органларининг бошқа ходимлари билан бирга йўл-патруль хизмати ходимларидан 140 киши жалб этилди. Юқорида айтилган постлар замонавий, зарур техника воситалари билан қуроллантирилди. Жумладан, қўшимча телефонлар, радиостанциялар, патруль автомобиллари ажратилди. Ўзбекистон ССР Госснабидан бу постларни таъминлаш мақсадида 50 та вагонча ажратиш сўралди. Шунингдек, кўчма назорат пунктлари ҳам ташкил этилади.

Мана шу тадбирларни амалга оширишимиз натижасида 20 апрелдан 27 апрелгача 81 та автомобиль эгаси ушланди. Бу ҳайдовчилар жумҳуриятимиздан 61 минг 350 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари, 179145 килограмм қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 1041 дона, яъни 59 номдаги саноат молларини, 38 куб метр ёғоч материаллари, 5000 килограмм лак-бўёқ материалларини олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлар.

Масалан, Тошкент шаҳридаги «Уч қаҳрамон» ГАИ постида МАЗ—500 (давлат номери 59—17 АНЛ) автомашинаси тўхтатилди. Бу машина Советобод шаҳридаги Дўстлик кооперативига тегишли экан. Автомобиль ҳайдовчиси М. Рашидов жумҳуриятимиз ташқарисига 9 минг килограмм асални олиб чиқиб кетмоқчи бўлган экан. «Эркин» ГАИ постида ҳам ана шундай ҳодиса юз берди. КамАЗ—5410 маркали 10—70 КЭС ва 10—72 КЭС номерли иккита автомобилда ҳайдовчилар А. Г. Демечев ва В. Шкадров тўртта мебель йиғиндисини олиб кетаётганида қўлга туширилди. Ваҳолонки, бу машиналар Красноярск ўлкасидаги Абакан шаҳридаги тажриба-механика заводига тегишли экан.

Фарғона областидаги «Риштон» ГАИ постида КамАЗ—5410 маркали автомобиль ушланди. Бу машина Оренбург областидаги «Строитель» ишлаб чиқариш кооперативига қарашли бўлиб, ҳайдовчи А. Бельский жумҳуриятимиздан ташқарига 17 дона холодильник, 50 та кир ювиш машинаси ва 61 та чанг ютгич олиб кетаётганди.

Самарқанд областида эса давлат номери 06—38 ФИМ бўлган КамАЗ—5410 маркали автомобиль тўхтатиб қолинди. Бу машина Фрунзе шаҳридаги 1-автотранспорт паркига қарашли бўлиб, уни М. Нурқонов бошқариб бораётганди. У ноқонуний равишда Сурхондарё областидан Фрунзе шаҳрига 5 минг килограмм карам олиб кетмоқчи бўлганди.

Шу билан бирга қонунбузарларни ушлаш чоғида баъзи бир қийинчиликлар ҳам юз бермоқда. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» томонидан ҳозиргача тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва буюмларни қаергa топширимиз кераклиги аниқ белгиланмаган. Бу масалани тезда ҳал қилиш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларида комиссиялар тузилган эмас. Тортиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларини топшириш баҳолари ҳали белгиланганн йўқ.

Хуллас, мана шундай камчиликларнинг олдини олиш учун қисқа фурсатда чора-тадбирлар кўрилмаса бўлмайди. Зеро бу умумий ишимизни янада яхши йўлга қўйишга имкон бериши турган гап.

М. ВАУЛИН,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги давлат автоинспекцияси бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.

• *Қардошлик*

ИККИ ЭЛНИНГ ШОИРИ

Осмон тиниқ. Офтоб нурлари Хиванинг нилий қошинларида жилва қилади. Шерғозихон мадрасаси олдида икки халқнинг улуғ шоирлари Огаҳий билан Маҳтумқули дийдор кўришгандай. Туркман халқининг буюк фарзанди ўзи таълим олган даргоҳга таъзим бажо айлар, Огаҳий уни қучоқ очиб кутиб олгудек. Самимий суҳбатдан кейин сеҳрли ғазаллар ўқилади. Маҳтумқули шундай дейди:

Макон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол гўзал Шерғози.
Ўтказдим қишингни, баҳор ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол гўзал Шерғози.

Бу бир туш ҳам, муаллифнинг ширин ҳаёли ҳам эмас. Воқеа ҳақиқатда бундан бир неча кун бурун Хивада рўй берди. Шоирлар учрашувини санъаткорлар маҳорат билан ифодалашди. Унда ўзбек ва туркман элининг вакиллари, ижодкорлари ва санъаткорлари иштирок этдилар.

Ташрифнинг чуқур мазмуни бор. Ҳозир Туркманистонда Маҳтумқули кунлари бўлиб ўтяпти. Шу муносабат билан Тошовуз вилояти партия комитетининг биринчи котиби А. Хўжақов раҳбарлигидаги гуруҳ Хоразмга келди. Улар Маҳтумқули таҳсил кўрган мадрасани, шоир музейини зиёрат қилишди. Мадрасада митинг ва мушоира бўлди. Сўзга чиққанлар икки халқнинг дўстлик, маданий мероси илдизларининг қадимий мустаҳкамлиги ва, узвийлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Туркманча ва ўзбекча ғазаллар янгради.

Сўнгра дўстлик мушоираси Урганч районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида жойлашган Маҳтумқули боғида давом этди. Хоразм вилояти партия комитетининг биринчи котиби Р. Худойберганова туркманистонлик қардошларни Маҳтумқули кунлари билан қутлади. Бу кунлар ўзбек халқи учун ҳам қадрли эканлигини, элимиз унинг ғазалларини севишини таъкидлади.

Маҳтумқули кунлари Туркманистонда давом этяпти. Унда хоразмлик шоир ва ёзувчилар ҳам фаол иштирок этишди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОЛДАТ ҲАЁТИНИ ҚУТҚАРАЁТИБ

Ёнғинни ўчириш чоғида лейтенант Евгений Феофанов ҳалок бўлди.

Майор А. БЕЛОВ

Бу кеч бўлаётганида рўй берди. Қисм бўйича навбатчи ёрдамчиси вазифасини бажараётган лейтенант Евгений Феофановнинг хизматни тугатиш вақти яқинлашиб қолганди.

Соат 17 лар чамаси қисм яқинидаги ертўла хонаси ёнаётганлиги ҳақида сигнал тушди. Мойли бўёқ буғлари учқундан аланга олганди.

Шаҳар ўт ўчириш командаси келишини кутиб ўтирмай, лейтенант Е. Феофанов бир гуруҳ ҳарбийлар билан ҳодиса рўй берган жойга етиб келди. Ертўлада одамлар борлиги ва улар шошилинч ёрдамга муҳтожлигини билгач, у ёнидаги солдатдан противогазни юлқиб олиб, ёнаётган ертўлага отилди. Етиб келган ҳарбий хизматчилар ёрдамида ертўладаги барча одамлар қутқарилди ва улар госпиталга олиб борилди, Миллати ўзбек, Фарғона областидан чақирилган ефрейтор Юнусов жуда оғир аҳволда эди. Қулфатдан қутқарилганларнинг энг охиргиси ҳам айнан у эди. Лейтенант Феофанов тез ва қатъий ҳаракат қилди. Унинг ташаббуси ва довюраклиги туфайли солдатлар ҳаётини қутқаришга ва ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлинди. Ертўлада сўнгги дақиқагача бўлган офицернинг ўзи эса ҳалок бўлди.

Костромадаги олий ҳарбий қўмондонлик химиявий ҳимоя билим юртини тугатган Евгенийнинг қисмда хизмат қилаётганига бир йил ҳам бўлмаганди. У офицер ўғли бўлиб, ўз хизмат бурчини ҳалол ва виждонан бажарди. Қисқа вақт ичида хизматдошлари ўртасида ҳақиқий обрў қозонди. Евгений ва унинг қаҳрамонона жасорати тўғрисидаги хотира қалбимизда яшайди, бўлғуси ёш офицерлар авлодини тарбиялаш ишига хизмат қилади.

(«Фрунзевец» газетасининг 23 май сонидан).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИДА

Япония — Совет дўстлиги жамияти раиси Т. Окада бошчилигидаги ушбу ташкилот делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У билан бирга сайёҳатчиларнинг катта гуруҳи келди. Бу совет ва япон жамоатчилигининг мамлакатимизда урушга қарши ўтаётган тўққизинчи учрашувидир.

Делегация аъзолари шаҳар бош майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар, Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар.

Меҳмонлар япон ҳарбий асирлари дафн этилган ерда — «Яккасарой» қабристонида ёдгорлик очилишида қатнашдилар. Ёдгорликнинг лойиҳаси Японияда тайёрланган, уни бизнинг мутахассисларимиз амалда рўёбга чиқаришган.

Ўзбекистон билан Япония жамоатчилигининг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашга интилиши урушга қарши Тошкентда ўтган митингда намоён бўлди. Митинг қатнашчилари тинчликсевар жаҳон жамоатчилигини қуролсизланиш учун, ядро уруши хавфига қарши курашда фаол қатнашишга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга даъват этдилар.

Делегация аъзолари «Билим» жамиятида давра суҳбатида қатнашдилар, Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик ҳамда қуролсизланиш муаммолари юзасидан фикр алмашдилар.

Японялик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Самарқандга сафар қилдилар.

(ЎзТАГ).

• *Эртага — Чегарачилар куни*

АНЪАНАЛАР ИЗИДАН

● Чегарачилар куни 1958 йил 15 майда СССР ҳукумати томонидан таъсис этилиб, у ҳар йили 28 майда нишонланади.

● В. И. Ленин 1918 йил 28 майда Халқ Комиссарлари Советининг РСФСР чегара муҳофазасини вужудга келтириш тўғрисидаги декретини имзолади. Унга «Россия Социалистик Федератив Социалистик Республикаси чегара манфаатларини ҳимоя қилиш, чегара полосаси доирасида эса гражданларнинг шахси ва мол-мулкини муҳофаза қилиш...» вазифаси топширилди.

● 1983 йил 1 мартдан бери мамлакатимизда «СССР нинг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни амал қилиб келмоқда.

● Уруш арафаси йилларида чегарадаги вазият ниҳоятда мураккаб бўлди. Чегара қўшинлари империалистик давлатлар разведкалари фаолиятига, контрабандага, СССР территориясига суқилиб кирган турли тўдаларга қарши кураш олиб бордилар.

● Урушгача бўлган 20 йил мобайнида чегарада 432 миллион сўмлик хилма-хил бойликлар, шу жумладан, 2 тонна олтин қўлга туширилди.

● 1939 йил октябридан 1940 йил декабргача ғарбий ҳарбий округлар ҳудудининг ўзида салкам 5 минг нафар душман агенти қўлга олинди.

● Кейинги икки-уч йилнинг ўзида назорат-ўтказиш пунктларида бир неча тонна гиёҳванд моддалар, мингдан зиёд қурол-яроғ тортиб олинди. Халқаро террорчилик фаолиятига мансуб дахлдор ўнлаб кишилар ушланди. Совет Иттифоқига бировнинг ёки қалбаки ҳужжатлари билан ўтишга бўлган уринишлар барбод қилинди. Неча миллион сўмлик контрабанда буюмлари мусодара этилди.

● Бугунги чегарачилар она-Ватанимиз сарҳадларининг катта авлодига мансуб ҳимоячилари жанговар анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар. Уларнинг кўпи юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган.

● **Сиз мана бу суратда СССРнинг ғарбий чегарасида коммунист, капитан А. Е. Яншин қўмондонлик қилаётган Н-застава оддий жангчиси Арвидас Сурвилани кўриб турибсиз. У армияга келгунча Литваннинг Шакяйск районидаги «Теса» («Ҳақиқат») колхозида ветеринария фельдшери бўлиб ишлаган эди. Шу боис унга заставадаги чегара итларини парваришлаш топширилди.**

ТАСС фотохроникаси.

ДЎКОНДА ҲАЙРИЯ БЎЛИМИ

● САМАРҚАНД. Сиёб районида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш яхшиланмоқда. Шу мақсадда 2 миллион сўмликка яқин қурилиш ва ремонт ишлари бажарилди. 70 фоиз дўкон қайта таъмирланиб, Шарқ услубида тикланди. Дарвозаи Хўжааҳрорда «Чашма» универсами, музқаймоқ билан савдо қилувчи 200 ўринли кафе ишга туширилди.

Регистон майдонидаги 2-дўконда кўп болали ва ҳомиладор аёлларга савдо хизмати кўрсатувчи хайрия бўлими очилди. Райондаги мингдан зиёд аёл ҳар ойда 20 минг сўмликка яқин озиқ-овқатни бепул оляпти.

И. РУСТАМОВ.

СПОРТ

БОКС:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

⊙ КОПЕЙСК шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида турли шаҳарлардан тўпланган чарм қўлқоп усталари Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Хохряков хотира-соврини учун ўзаро баҳслашдилар. Мусобақада муваффақиятли куч синашган бухоролик М. Иброҳимов ғолиблик супасига кўтарилди. Бухарестда эса «Олтин белбоғ» халқаро турнирида иштирок этган тошкентлик Фарҳод Бакиров ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

ФИГУРАЛИ УЧИШ:

НАФОСАТ БАҲСИДА

⊙ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида «Тошкент конькилари» анъанавий очиқ турнири ўтказилди. Муз устида нафис ҳаракатлар баҳсида майдон эгалари ҳам нафосат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Чунончи, жуфт бўлиб майдонга тушишда Ольга Слободова билан Валерий Прудский кумуш медалли бўлишди. Рақс жуфтлиги бўйича Ружена Асанова билан Муслим Сатторовлар зафар қучдилар.

ФУТБОЛ:

НИМҲОРАК ФИНАЛНИ КЎЗЛАБ

⊙ СССР КУБОГИ учун 1/16 финал учрашувлари ўтказилди. «Таврия», «Металлист», «Торпедо» (М), АСК (Р), «Гастелло», «Уралмаш», «Олга», «Шахтёр», «Динамо» (Мн), «Даугава» коллективлари ғалаба қозонишди. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари ўз майдонларида пойтахт армиячиларига имкониятни (0 : 2) бой беришди. Бир учрашув: «Машук» — «Черноморец» — 1 : 1 ҳисобида тугади. Такрорий ўйинлар 19—20 июль кунлари бўлади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* •

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар қуйидаги муддатларда қабул қилинади:

Кундузги ўқишга — 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА;

Сиртқи ўқишга — 1 давра кирувчилар учун — 29 МАЙДАН 29 ИЮНГАЧА;

2 давра кирувчилар учун 2 ИЮЛДАН 23 ИЮЛГАЧА.

Қабул қоидалари билан танишиш учун газетанинг 23 май сонига қаралсин.

Справкалар олиш учун телефон 45-45-89.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар бўлими бўйича — клиника бўлинмаси ва эпидемиология бўлинмаларининг **кичик илмий ходимлари** (илмий даражасиз), микология ва чуқур микозлар, СПИД лабораторияси бўйича — **кичик илмий ходимлар** (илмий даражасиз).

Конкурс муддати — 4 июнгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Фороб, кўчаси, 3-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1990—1991 ўқув йилида шарқ факультети қошида ташкил этилган

«ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: математика (ёзма), она тили ва адабиёт (диктант), чет тили (оғзаки), география (оғзаки).

Университетга қабул ҳақидаги батафсил эълон «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» газетасининг 28 март сонида эълон қилинган.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Кундузги ва сиртдан ўқиш бўйича

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА

1990 йил учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА:

Юрак-қон томир жарроҳлиги — бир ўрин — аспирантура А. Н. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги институти; **педиатрия**-бир ўрин — СССР медицина фанлари академиясининг болалар касаллиги институти; **жарроҳлик** — бир ўрин — СССР медицина фанлари академиясининг Бутуниттифоқ илмий жарроҳлик марказида ўтилади.

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА:

Аллергология-иммунология-бир ўрин-биринчи Ленинград тиббиёт институтида ўтилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлигининг «УЗВОДРЕММАШ» қурилиш бирлашмасининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ИДОРАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар ва ҳисоб-китоблар 1990 йил 1 июнгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 57-алоқа бўлими, Уста Ширин кўчаси, 120-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/V да **М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг қошидаги опера студиясининг спектакли, Гофман эртаклари,** 31/V да **Жизель.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 28/V **Гул ва Наврўз,** 30/V да **Мушкул саодо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/V да **Келинлар кўзголони.**

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

• 28 май, душанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 17.55 «Булбулча» хорининг чиқиши. 19.00 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19.30 Ахборот. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Халқаро ҳаёт. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.40 Мультфильм. 22.00 Ахборот. 22.20 «Фидойилик». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

УзТВ-II. 18.10 Спорт шарҳи. 19.00 «Водиллик келин». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 Элет кундолугу. 22.00 «Айланпа».

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм, 5-серия. 9.15 Футбол шарҳи. 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.10 Сувдаги цирк. 11.00 Илмий-оммабоп фильм. 12.00 Время. 15.15 Биз қандай дам оляпмиз. 15.45 Концерт. 16.25 Шеърият лаҳзалари. 16.30 Болалар соати. 17.30 Ҳужжатли фильмлар. 18.00 Время. 18.30 Мусаввир устахонасида. 18.40 Мультфильм. 19.05 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм. 4-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Футбол шарҳи. 21.35 Ҳужжатли фильм. 22.55 Фестиваллар. Концертлар. Конкурслар. 24.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.45 Концерт. 9.20 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.50 Болалар учун фильм. 11.00 Чашмалар. 11.30 Такрорий телефильмлар. «Қовун». 15.45 «Шарқий Сибирь». 15.55 Гандбол. Европа чемпионлари кубоги. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 16.55 Американинг «Эй-Би-Си ньюз» компанияси. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 Волейбол. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.25 Концерт. 21.00 «Кечки ҳосил». Бадиий фильм.

• 29 май, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 «Водиллик келин». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Мультфильмлар. 18.10 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.40 «Руҳлар исёни». Адабий театр. 19.30 Ахборот. 19.45 Мусиқий кўрсатув. 20.30 Время. 21.00 Сиятлик дўстларимиз. 21.35 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 22.00 Ахборот. 22.20 Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча.

УзТВ-II. 18.05 Регби. СССР чемпионати. 18.45 Телефильм. 18.55 «Чилангар Қова». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Наврўзи олам. 21.50 Телефильм. 22.00 Ахбор. 22.20 Съездда бу ҳақда гапирилган эди. 22.35 Хотин-қизлар учун кўрсатув. 23.20 Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм, 5 ва 6-сериялар. 10.35 Мультфильмлар. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 «Коммунист» журнали редакциясида давра суҳбати. 16.00 Мультфильм. 16.15 ТелеЭКО журнали. 16.45 Бор бўл, мусиқа! 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 Время. 18.30 П. И. Чайковский хотирасига. 19.20 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм, 5-серия. 20.30 Время. 21.00 «Матбуот клуби». 22.00 «Парнас сари бир босқич». 22.15 «Матбуот клуби». (давоми). 23.20 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.40 Фильм-спектакль. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.20 Концерт. 12.00 «Давлат чегараси». Бадиий фильм, 1-серия. 13.05 ва 16.30 Ритмик гимнастика. 17.00 Теннис. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.55 Коллаж. 19.00 Информацион программа.

• 30 май, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 11.50 «Чилангар Қова». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Телефильмлар. 18.30 Қўғирчоқ фильм. 18.50 Маҳалла — тарбия ўчоғи. 19.30 Ахборот. 19.45 Мусиқий кўрсатув. 20.30 Время. 21.00 Амалий давра суҳбати. 21.45 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ранжком» Видеоспектакль.

УзТВ-II. 18.05 Калейдоскоп. 18.50 «Жуда керакли одам». Бадиий фильм. 22.00 От спорти муаммолари. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 Сабзавот конвейери. 21.10 Телеконкурс.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм. 6-серия. 9.30 Концерт. 10.10 СССР—АҚШ: аср романи. 11.30 Бу бўлган... бўлганди. 12.00 Время. 15.15 Мусиқий хазина. 16.10 Мультфильм. 16.30 Болалар соати. 17.30 Қонцерт. 18.00 Время. 18.30 Ҳокимият — Советларга. 19.05 «Зитарлар оиласи». Бадиий фильм, 6-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 1990 йил қўшиқлари. 22.20 Санъатни тушуниш санъати. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Концерт. 8.40 Ҳужжатли фильм. 9.00 Концерт. 9.45 «Мўмин-қобил уччилар». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.55 Экранда Сибирь. 12.05 «Давлат чегараси». 1-фильм. 2-серия. 16.30 Теннис. 17.30 Мультфильм. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 19.00 Информацион программа.

• 31 май, пайшанба

УзТВ-I. 17.30 Янгиликлар. 17.35 Болалар учун фильм. 19.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 19.30 Ахборот. 19.45 Яхшидан боғ қолади. 20.20 Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.45 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ёшлик».

УзТВ-II. 18.05 Кинопрограмма. 18.55 «Тошкент» студияси. 19.40 Телефильм. 20.10 Таътилга тайёрмисиз? **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00. Иссиқкўлни муҳофаза қиламиз. 21.30 «Кўринмас сабабларга кўра». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.20 Концерт. 8.45 Матбуот клуби. 10.45 В. Плучек ижоди ҳақида. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Болалар учун фильм. 16.20 Ҳужжатли фильм. 17.00 Москва — Бостон телекўприги. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Босқичлар. 20.20 Время. 21.00 Эфирда мусиқа. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.35 Симфоник мусиқа. 9.20 Ҳужжатли фильм. 9.40 Бор бўл, мусиқа! 10.00 Болалар учун фильм. 11.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 11.45 Ритмик гимнастика. 12.05 «Давлат чегараси». 2-фильм, 1-серия. 16.30 Ритмик гимнастика. 17.00 Теннис. 18.00 Время. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 Информацион программа.

• 1 июнь, жума

УзТВ-I. 11.30 Мўъжизалар куни. 11.55 «Салом, болалар». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.35 Мультфильм. 17.55 «Биз билан гўзал чаман». 19.00 Оналар мактаби. 19.30 Ахборот. 19.45 Алифбо сабоқлари. 20.20 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 20.30 Время. 21.00 Одобнома. 21.15 Камолот сари. 22.00 Ахборот. 22.20 «Тошкент» студияси.

УзТВ-II. 18.05 «Ёшлик». 18.45 «Ўзбекистон» телекиножурнали. 19.00 «Омадли жентльменлар». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Инсон ва қонун. 21.40 Она ва болакай. 22.00 Ахборот. 22.20 «Едбуд». Дўстмурод Алиев. 23.30 «Асрлар садоси». Видеофильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.45 Босқичлар. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Время. 15.20 Ҳужжатли фильм. 16.10 Концерт. 16.30 Останкино концерт студиясида учрашув. 18.00 Время. 18.30 Тараққиёт, Ахборот, Реклама. 19.00 Кинопанорама. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 ...Бу бўлган, бўлганди. 21.25 Нима? Қачон? Қаерда? 22.05 Телефильм. 01.15 ТСН.,

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.45 «Миср тунлари». Фильм-балет. 9.25 Ҳужжатли фильмлар. 9.45 Болалар учун фильм. 11.00 Созандалар мусиқа ҳақида. 11.45 «Давлат чегараси» Бадиий фильм, 2-фильм, 2-серия. 16.05 Қўшиқ инсон билан қолади. 17.00 Теннис. 18.00 Время. 18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.00 Информацион программа.

• 2 июнь, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ҳужжатли экран. 10.45 «Пан кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм, 1-серия. 12.15 Чорраҳа. 12.45 Болалар учун театр. 13.35 Сувда эҳтиёт бўлинг. 13.45 Деҳқон ва замон. 14.45 Спорт кўрсатувлари. 18.05 Тенгдошлар. 18.50 Ёшлар овози. 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 «Тошкент» студияси. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Умр ўтмоқдадир». Мусиқий кўрсатув.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Сафту калом». 9.55 Қизил майдон». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 18.15 Мультфильмлар. 18.50 Ўсмирлар ва кино. 19.30 Новости. 19.50 Меҳригони дўсти. 20.30 Время. 21.00 Армуғон. 21.50 «Шундай бир жой бор». 22.00 Ахбор. 22.20 Фарҳанг ва ҳунар.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Сиз яратган боғ. 8.35 Мультфильм. 8.50 Ҳужжатли фильм. 9.50 Тижорат хабарномаси. 10.20 «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Бадиий фильм, 2 ва 3-сериялар. 12.35 Концерт. 13.05 Киноафиша. 14.05 Ҳайвонот оламида. 15.05 Сиёсий мулоқотлар. 15.35 Мультфильм. 16.00 «Ўрмон бинафшалари». Бадиий фильм. 17.30 Америка кино саҳифаларида. 18.15 Ерона масканимиз. 19.20 «Бемаврид». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 В. Плясников томошаси. 22.10 Нигоҳ 23.55 ТСН.

МТ-II. 7.30 Бадан тарбия. 7.45 Концерт. 8.10 «Владивосток, 1918 йил» Бадиий фильм. 9.25 Ҳужжатли фильм. 9.45 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 10.45 Оила. 11.45 Тараққиёт Ахборот. Реклам. 12.15 Теннис. 13.15 Коллаж. 13.20 «Совет Россияси» видеоканали. 15.50 «Пи» белгиси билан. 16.50 Мультфильм. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.15 «Пи» белгиси билан. 18.30 Концерт 19.00 Информацион программа.

• 3 июнь, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм, 2-серия. 11.25 Шохрух клуби. 12.00 Футбол. «Локомотив» — «Пахтакор». 14.00 Алифбо сабоқлари. 14.35 Самандас. 15.35 Қўғирчоқ фильм. 15.55 «Маҳмуд паҳлавон» достонидан лавҳалар. 16.50 Изланиш йўлидан. 17.10 Ер хазина, сув—гавҳар. 17.55 Мультфильм. 18.05 Санъат ғунчалари. 18.50 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 19.30 Ахборот. 19.45 Қонцерт. 20.20 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Садоқат». Видеофильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сафеда. 10.05 Реклама. 10.15 Яхши дегани нима? 10.50 «Клиника». Бадиий фильм. 17.55 Мультфильм. 18.45 Сеҳри ҳунар. 20.30 Время. 21.00 Телеочерк. 21.15 ва 22.30 Хурсанд Зариповнинг куйлайди 22.00 Ҳафта. 23.10 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.10 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Здоровье. 12.45 Мусиқий киоск. 13.15 Италия телевидениеси. 14.15 Америка киноси саҳифаларида. 14.45 «Қойилмақом малика». Бадиий фильм. 16.15 Қишлоқ янгиликлари. 17.30 «Образ». Адабий кўрсатув. 18.45 «Шаҳар чеккасидаги шифохона». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 АҚШ телевидениеси.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 Концерт. 8.20 Мультфильм. 8.30 Ҳужжатли фильм. 9.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 9.30 «Муваффақият». Бадиий фильм. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 Футбол. «Локомотив» — «Пахтакор». 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 Планета. 17.30 Концерт. 18.30 От спорти. 19.15 Эстрада программаси. 19.30 Мультфильм. 19.45 Акробатик Роки-ролл. Халқаро турнир. 20.30 Время. 21.00 Теннис. 22.00 «Матбуот клуби».

Р. — 04280. № 120. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12